

## **СОЛИҚЧИ – ТАДБИРКОРГА КҮМАКЧИ**

“Солиқчи-тадбиркорга күмакчи” тамойили бугунги кунда давлат солиқ идоралари фаолиятидаги асосий йұналишга айланиб бормоқда. Чорвачилик билан шуғулланиб келаётган тумандаги “И-Икром ота” фермер хўжалигини фаолиятида, солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини юритиш ҳамда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш юзасидан, шунингдек, жорий йилнинг июль ойида кўшилган қиймат солиғидан ҳосил бўлган 123 млн. сўмлик ортиқча тўловни фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига қайтарилишида Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари яқиндан амалий ёрдам берди.- 2000 йилдан бўён чорвачилик билан шуғулланиб келмоқдаман, - дейди фермер хўжалиги раҳбари Исмоилов Анваржон. - Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимизни қўшилган қиймат солиғи маблағларини қайтариш ҳисобига наслдор чорва молларини сотиб олишда вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда туман солиқ инспекцияси ходимларини ҳиссаси катта бўлди. Солиқ имтиёzlари ҳақида тушунчага эга бўлдим. Нима савол туғилса ёки тушунмовчилик бўлса телефон орқали солиқ идорасига мурожаат қилиб, саволимга ижобий жавоб оляпман. Туман давлат солиқ инспекцияси ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг муаммоларини ўрганиб, ечими бўйича маслаҳат бермоқда. Мақсад тадбиркорга кўмак бериб, тадбиркорларнинг иши юришиб, даромад кўпайтиришларида кўмак бериш, солиқ базасини кенгайтириб, бюджетта тушумлар кўпайишига ҳисса қўшишdir.

Х.ХОЛМАТХОНОВ,

туман ДСИ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъбаси бошлиғи.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-07-23 17:20:46